
ФАРҒОНА ШАҲРИ “БЕШБОЛА” МАҲАЛЛАСИДАГИ ХОНАДОНДА ҚЎЗИҚОРИН ЕТИШТИРИБ, МЎМАЙ ДАРОМАД ТОПИШМОҚДА

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров вилоят секторлари раҳбарлари билан Фарғона шаҳридаги ўрганишлари давомида “Бешбола” МФЙ, Қува кўчасида яшовчи Абдуллажон Холматов хонадонида қўзиқорин етиштириш жараёнларини бориб кўрди.

Дастлаб 2 ой давомида қўзиқорин етиштириш сир-саноатларини ўрганган Абдуллажон Холматов 2022 йил февраль ойида 200 миллион сўм маблағ ҳисобига ўз хонадонида қўзиқорин етиштиришни йўлга қўйди. Ўзига хос ушбу бизнес кутилган натижани ортиғи билан бериб, йилига 400-500 миллион сўмгача даромад ола бошлади.

Вилоят ҳокими билан суҳбатда Абдуллажон Холматов қўзиқорин етиштириш бўйича орттирган тажрибалари ҳақида сўзлаб берди.

Тадбиркор қайд этганидек, қўзиқоринни экиш усули ҳам осон ҳам содда бўлиб, битта қўзиқорин қопи 15 минг сўмга тайёр бўлади. 21 кунда ҳосил беришни бошлайди. Қўзиқорин чиққандан сўнг 2 ойда 3 мартабагача териб олиш мумкин. Ҳар бир қопдан 2 кг. ҳосил олса бўлади. Бугунги кунда қўзиқорин килоси бозорда ҳолатига қараб 20-25 мингдан сотилмоқда.

Абдуллажон Холматовга бошқа вилоятлардан, қўшни республикалардан ҳам алоқага чиқишиб, қўзиқорин етиштириш бўйича маслаҳат олишмоқда. Улар учун қулай бўлиши учун телеграмда гуруҳ ҳам очилган бўлиб, қўзиқорин етиштириш бўйича тажриба алмашиш имконияти яратилган. Абдуллажон Холматовнинг ҳозирда 600 га яқин шогирдлари бор. “Ушбу бизнесни 1 миллион сўм билан ҳам бошлаш мумкин” - дейди тадбиркор.

Вилоят ҳокими жараёнлар билан танишар экан, шаҳар секторлари раҳбарлари, маҳалла еттиликка ушбу тажрибани кенг оммалаштириб, ишсиз ва бошқа тоифадаги фуқароларга ҳам ўргатиш, бу орқали даромад олишларига кўмаклашиш бўйича кўрсатма берди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-02-29 19:42:14